




О.Д. РАХИМОВ

ТАЪЛИМ СИФАТИ-ҲАЁТ СИФАТИ

**КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ-
КАЧЕСТВО ЖИЗНИ**

**EDUCATION QUALITY -
LIFE QUALITY**



Қарши-2015

О.Д.РАХИМОВ

**ТАЪЛИМ СИФАТИ
ВА
ҲАЁТ СИФАТИ**

Қарши-2015

УДК 004.377

О.Д.Рахимов. Таълим сифати ва ҳаёт сифати. //Ўқув услубий қўлланма, 2015й., 44 б.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Маркази “Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси” бошлиғи в.б.

доц. Б.Ф.Назаров

Қарши давлат университети профессори,

п.ф.д. А.Чориев

Монографияда таълим сифати ва уни баҳолаш мезонлари, таълим стандартлари, чет эллар ва Ўзбекистон олий таълим тизимида таълим сифати ва уни баҳолаш тизими, олий таълим муассасаларини аккредитациялаш тизимлари, таълим сифатини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация ҳамда инновацион педагогик технологияларнинг ўрни тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

В монографии приведены сведения о качестве образования и основные критерии ее оценки, стандарты образования, качество в высшем образовании за рубежом и в Узбекистане, система его оценки, аккредитация высших учебных заведений, роль современной информационно-коммуникационной и инновационной педагогической технологии в обеспечении качества образования.

Қўлланма ТАТУ Қарши филиали Илмий Кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, 2015й

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

И.А.Каримов

КИРИШ

Ҳозирги кунда ХХІ аср юксак технологиялар замони, тафаккур асри, ялпи ахборотлашув асри, глобаллашув даври деб таъриф этилмоқда.

«Глобаллашув» атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнес ревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган. Лекин ҳозирги даврда глобаллашув бошқача маъно ва аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув - инсониятнинг онгу-шуури ва тафаккури самараси сифатида вужудга келган жаҳон миқёсидаги умумий жараён. У чегара ва ҳудудларни билмайдиган, тузумларни тан олмайдиган, узлуксиз кучайиб ва ривожланиб бораётган, ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёнидир. Бундай жамиятда фақат инсон тафаккури етакчи ўрин эгаллайди. Тафаккур – жамият тараққиёти даражасини кўрсатувчи ойна. Бу ойнада муваффақиятлар ҳам, камчиликлар ҳам аён кўринади. Сир эмаски, инсоннинг нечоғлик мукаррамлиги, комиллиги фикрлаш даражаси, тафаккури билан белгиланади. Ахборотлар инсон тафаккури ва фикрлаш қобилиятини қай даражада шаклланишига таъсир этуви асосий омилдир. Шу сабабли замонавий цивилизациялашган жамиятнинг ҳозирги даврдаги ривожини ахборотлаштириш жараёни билан характерланади.

Президентимиз И.А.Каримов «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида ХХІ асрга шундай таъриф беради: «Биз яшаётган ХХІ аср – интеллектуал бойлик ҳукмрон қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар».

Интеллектуал бойлик ва салоҳият манбаси, уни ривожлантириш омили таълим-тарбия жараёнининг сифати ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса ўрнида шундай савол тугилади?

Нима учун таълим сифати инсониятнинг барча ҳаётий-муҳим фаолиятларига таъсир этади?

Биринчидан, инсоният цивилизацияси барча соҳаларда, жумладан таълим тизимида ҳам глобал ўзаро боғлиқлик даражасигача эришди. Ҳозирги кунда битта давлат ёки миллатнинг муаммоси бутун жаҳон ривожига катта таъсир этиши мумкин. Юзага келган экологик, иқтисодий, сиёсий муаммолар ва инқирозларнинг ечими фақатгина инсониятдан келажакда ақлий ва маънавий ривожланишни талаб этади. Бунга эса фақатгина тўғри ва сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкин.

Ўқитиш ва таълим-тарбия беришдан мақсад, инсонни ҳаётга тайёрлаш. Биз аввал ўқитамиз, кейин амалда ўргатамиз. Ҳаёт эса аввал амалда синаб кўриб, кейин ўқитади.

О.Рахимов

Иккинчидан, таълимнинг асосий йўналиши тарбияга бориб тақалади. Тарбия ўта муҳим, ўта мураккаб ва ўта долзарб масала бўлиб келган ва бўлиб қолади.

Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобидаги “Тарбиянинг замони” бобида шундай жумлалар бор. “Эмди очиқ маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зехнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур, қайда қилинур? -деган савол келадур. Бу саволга “биринчи–уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи - мактаб ва мадраса тарбияси, бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур”- деб жавоб берсак.

Айнан ана шу мактаб ва мадраса тарбиясини аввал ҳам, ҳозир ҳам муаллим-педагоглар амалга ошириб келишган. Бизнингча, тарбияда атроф-муҳит таъсири ҳам етакчи ўринни эгалламоқда. Болалар кўпроқ эшитганини ёки ўқиганини эмас, балки кўрганини қилишга ҳаракат қилишади.

Хўш, бизнинг ўзимиз болаларга тарбия бобида ўрнатилган бўла оламизми? Болалар биздан нималарни ўрганишмоқда? Глобал Интернет тизимидаги маълумотлар тарбия бобида қандай ўрин эгалламоқда? Интернетга маълумотларни, яъни тарбияга салбий таъсир этувчи ахборотларни болалар жойлаштирмоқдами ёки катталар? Балки, биз тарбияни ва

таълимни аввало ўзимиздан бошлашимиз керакдир? Демак, бир сўз билан айтиши мумкинки, таълим –тарбия сифатли бўлиши учун биз ўзимиз(педагоглар) сифатли таълим беришга муносиб бўлишимиз зарурдир.

Учинчидан, инсониятнинг барча ҳаётий муҳим муносабатлари (сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ва б.) – инсонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирга боғлиқ ҳолда шаклланади ҳамда ривожланади. Таълим сифатига боғлиқ ҳолда ушбу муносабатлар даражаси ва албатта сиёсий-иқтисодий муносабатлар ҳам ўзгаради.

Юқорида келтирилганлардан хулосалаш мумкинки, бугунги кунда дунёда юзага келаётган барча муаммолар илдизи таълим-тарбия тизимидаги сифат нуқсонлари натижаси десак хато бўлмайди.

Барча муаммоларни фақатгина юксак даражадаги онг, тўғри тафаккур ва бекиёс билим, юксак маънавият ва маърифат йўли билангина ҳал этиш мумкин. **Бунинг ечими таълим-тарбияга эътиборни янада ошириш, бу соҳага янада кўпроқ маблағ ажратиш орқали таълим сифатини юксалтириш билан ҳал этилиши мумкин.**

Инсон ҳар куни ва ҳар дақиқада ўз қорнини тўйдиришни, яхши кийинишни ва бошқа моддий таъминотларини қанчалик ўйласа ва унга ҳаракат қилса, ўзининг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришни унданда ўн карра кўпроқ ўйлаши ва ҳаракат қилмоғи лозим. Бу фақат таълим олиш орқалигина амага ошади.

О.Д.Рахимов

“Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда” [3].

Президентимиз И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги асарида Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар натижаларига тўхталиб, куйидагиларни алоҳида таъкидлаганлар: “Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инссад” халқаро бизнес мактабининг 2012-йилдаги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган.

Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатадаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш

даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглар – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган” [3].

Лекин, таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги ислохотларнинг янада ижобийлиги педагогларнинг глобаллашув ва ахборотлашган жамият таълим тизими мазмун-моҳиятини нечоғлик тушуниб етишларига ва қанчалик астойдил бажаришларига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги глобаллашув ва ахборотлашган жамият таълим тизимида таълим-тарбия сифатини қандай таъминлаш, замон руҳига мос ҳолда қандай ўзгартириш мумкин?

Биринчи навбатда глобал Интернет ва масофавий таълим имкониятлари ҳамда халқаро таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия сифатини таъминлашнинг бутунлай янги тизимини ишлаб чиқиш зарур. Ҳозирги кундаги таълим мазмуни кўпроқ ишлаб чиқаришда юксак иқтисодий самара олиш, инсоннинг шахсий манфаатларини мумкин қадар тўлиқроқ қондириш масалаларига қаратилган. Ёки бошқача айтганда айрим ҳолларда, ҳар қандай билим заминида юқори иқтисодий самара ва фойда олиш йўллари излаш ётмоқда.

Биз ота-онамиз, ўзимиз ва болаларимизнинг соғлигини оддий эмас, балки профессионал шифокорга топширишни истаймиз, улар бизни жисмонан доволайдилар. Болаларимизни қандай педагогларга топширишимиз керак, профессионал педагоглар-гами, ёки! Бу «даволаш» уларни ёки руҳан соғлом этади, ёки бир умр руҳан адаштиради!

Биз болаларимизни юксак маънавий руҳда тарбиялашга ҳар қанча ҳаракат қилсакда, манфаатдорлик негизидаги муҳит тўсқинлик қилиши мумкин.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳеч кимдан кам бўлмаслигини истайди, олий маълумот олишини ва яхшигина даромадли ишга жойлашишини биринчи ўринга қўяди! Лекин, аслида таълим-тарбия жараёни инсон маънавиятини юксак даражада шаклланишига ва ривожланишига хизмат қилмоғи лозим.

Муҳтарам Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида маънавиятга шундай таъриф берилган: “Маънавият- инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир,.....”. Шунингдек, ушбу асарда: “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги

гоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”-деб изоҳланади.

Президентимизнинг юқоридаги фикрлари ҳозирги замон таълим тизимининг стратегиясини белгилаб беради десак хато бўлмайди. Яъни, таълим-тарбия тизими фақатгина инсониятнинг моддий ва маънавий манфаатларини қондиришга хизмат қилмасдан, балки унинг руҳини, иймон-этикодини, иродасини, виждонини покланишига, ҳақиқий инсоний туйғуларни шаклланишига хизмат қилмоғи зарур.

Ўқиш ва билим олиш- инсоннинг бошқа кундалик эҳтиёжлари (ювиниш, кийиниш, овқатланиш ва б.) каби ҳар бир кишининг онгли равишда кундалик эҳтиёжига айланмоғи керак.

Таълим сифатини таъминлашнинг асосий йўналишлари ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион педагогик технологияларни кенг фойдаланиш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ахборот коммуникация технологияларини изчил ривожланиши таълим тизимини бутун жаҳон таълим муҳити талабларига жавоб бериши зарурлигини тақоза этмоқда. Таълимда ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш масофавий таълимнинг юзага келишига шароит яратди. Шунингдек, таълим жараёнини халқаро таълим жараёнига айланишига асос бўлмоқда.

XX аср илм-фан ривожини ва юксак технологиялар асри деб эътироф этилган бўлса, XXI аср ахборот технологиялари асридир. XX аср бошларида ўқиш ва ёзишни билмайдиган киши жамиятда қандай ўрин тутган ва ҳаёт ҳақида қандай тафаккурда бўлган бўлса, ҳозирги кунда компьютер технологияларини билмайдиган киши худди шундай даражададир.

О.Д.Рахимов

Албатта, юқорида таъкидланганидек бундай таълим тизимининг юзага келишида инновацион педагогик технологияларни ўқув жараёнида тадбиғи ҳам муҳим рол ўйнайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, саволлар туғилади:

❖ *Таълим сифатининг асосий мазмуни ва уни белгиловчи мезонлар нималардан иборат?*

❖ *Нега, ҳозирги кунда “таълим сифати-ҳаёт сифати!” деб эътироф этилмоқда?*

❖ *Замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг таълим сифатини оширишидаги ўрни қандай?*

❖ *Ҳозирги ахборот технологиялари даврида таълим сифатини таъминлаш учун қайси услубдан фойдаланиш ўринли?*

❖ *Замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?*

Бу ва шунга ўхшаш саволларга қисқа жавоб топиш ҳамда педагоглар, катта илмий-ҳодим изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда талабаларга ушбу соҳада тавсиялар бериш мақсадида ушбу монография тайёрланди ва у муаллиф томонидан олдин нашр этилган: “Инновацион педагогик технологиялар” (2011й.), “Замонавий маърузалар” (2012й.), “Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш” (2012й.), “Инновацион педагогик технологиялар: лойиҳалар услуги - таълим сифатини оширувчи технология сифатида” (2013й.), “Инновацион педагогик технологиялар: талаба портфолиоси- билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қўшимча технологияси сифатида” (2013й.), “Замонавий таълим технологиялари” (2013й.), “Ахборотлашган жамият таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар” (2014й.), “Таълим сифати-ҳаёт сифати” (2014й) номли ўқув ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

1. Таълим сифатининг асосий мазмуни

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун дунё бўйлаб «Сифат инкилоби» юзага келди. Дунёнинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари асосий эътиборни сон ва миқдорга эмас, балки маҳсулот сифатига қарата бошлашди. Сифат рақобатбардошликни таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

Сифат - умумий тушунча сифатида инсонларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан асосланувчи маҳсулот, материал, иш тури, меҳнат, хизматлар ва шу кабиларнинг хусусиятлари ҳамда хусусий белгиларининг мажмуи бўлиб, уларни қўйилган талаблар ва ўз вазифаларига тўлиқ мос келиши билан баҳоланади. Бундай мослик асосан стандартлар, шартномалар, келишувлар, истеъмол-чиларнинг талаблари билан аниқланади.

Сифатга эътибор ва унинг ривожланиш босқичларини мантиқан қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. XX асрнинг 60-йиллари - бозор рақобатбардошлиги шароитида асосий омил - маҳсулот сифати.

2. XX асрнинг 70-йиллари – маҳсулот сифатидан шлаб чиқариш технологияси сифатига ўтиш босқичи.

3. XX асрнинг 80-йиллари- сифатни бошқариш тизими босқичига ўтиш даври.

4. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб **таълим сифати**, интеллектуал ресурслар сифати, инсон ҳаёти сифати - асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

Таълим сифати – ижтимоий категория ҳисобланиб, жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини ҳамда шахснинг касбий, маиший ва фуқаролик компетентлигини шаклланиши ва ривожланишини жамият талаби ва эҳтиёжига мос келишини аниқлайди. Таълим сифати таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий фаолиятини турли қирраларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи орқали баҳоланади. Ушбу кўрсаткичларга таълим олувчилар компетентлигининг ривожланишини таъминловчи таълим мазмуни, ўқитиш шакли ва услублари, материал-техник база, ходимлар таркиби кабилар киради.

Таълим сифати -инсон ҳаёт-фаолияти сифатини ошириш ва аниқ мақсадга эришишда фойдаланиш учун зарур бўладиган, аниқ шароитларда талаб этилиб олинган билимлар мажмуидир.

Олий таълимда таълим сифати - таълим моделининг контекстуал кўрсаткичлари, институционал мақсад ва вазифалари ҳамда таълим тизимининг аниқ стандартлари, таълим муассасалари, ўқув дастурлари ва фанлари билан боғлиқ бўлган кўп қиррали, кўп даражали динамик тушунчадир.

Ҳозирги кунда маҳсулот сифати, техника ва технология сифати, сифатни бошқариш тизими сифати каби атамалар ўз ўрнини ҳаёт сифати тушунчасига бермоқда. Ҳаёт сифатининг асосий мезони - таълим ва тарбия сифатидир.

О.Д.Рахимов

Билим сифати – ўқув жараёнини тугатгандан сўнг олинган билимларнинг фундаменталлиги, юқорилиги ва иш жараёнида қанчалик кераклилиги билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия сифати ўта муҳим, муаммоли ва долзарб масала ҳисобланади. Чунки, бошқа барча ижтимоий масалалар, сиёсий муаммолар ва иқтисодий кўрсаткичлар айнан таълим сифати даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади. Қолаверса, таълим сифати давлат ва жамият тақдирини, бутун инсоният тақдирини белгилаб беради. Шу сабабли ҳам таълим сифатини -ҳаёт сифати деб изоҳлаш хато бўлмайди.

«Таълим сифати» атамаси қуйидаги омилларга боғлиқ ҳолда турлича аҳамият касб этади:

- олий таълим иштирокчиларининг манфаатлари;
- кириш маълумотлари, таълим-тарбия жараёнлари, чиқиш маълумотлари, мақсад ва вазифалар каби тушунчаларнинг ўзаро нисбати;
- баҳоланадиган академик соҳанинг хусусиятлари ёки тавсифи;
- олий таълимнинг тарихий ривожланиш даври.

Шунингдек, таълим сифати атамаси қуйидаги турли даражадаги аниқланишларга ҳам эга:

- ❖ сифат – энг юқори кўрсаткич сифатида;
- ❖ сифат – мақсадга тўлиқ эришилган фаолият шаклида;
- ❖ сифат–яхшилланган ва такомиллаштирилган фаолият шаклида.

Юқорида келтирилган «таълим сифати» тўғрисидаги аниқланишлар таълим соҳасидаги ислохотларнинг тарихий даврига боғлиқ ҳолда ўз афзалликлари ва камчиликларига эгадир.

Таълим сифати абсолют ва нисбий тушунча сифатида қаралиши ҳам мумкин.

Таълим сифатининг абсолют тушунчасида таълим муассасасининг статуси, мавқеи ва устунлигини акс этиши назарда тутилади. Бундай идеал тушунча таълим муассасаси имиджининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига шароит яратади ва таълим сифати кўрсаткичи бўйича энг юқори даражадаги таълим стандартига интилишини ифодалайди.

Таълим сифати нисбий тушунча сифатида ҳам қаралиши мумкин. Бунда сифат таълим хизматнинг асосий атрибути (ажралмас қисми, асосий хусусияти) деб ҳисобланмайди ва таълим жараёнини давлат таълим стандартига мос келиши билан баҳоланади. Шу сабабли таълим

сифати нисбий тушунча сифатида икки хил маънода белгиланиши мумкин:

Ҳаётнинг маъноси нима, фозил ва комил инсон қандай бўлиши керак?» - деган азалий савол, менимча инсон ижодида таълим-тарбия жараёни вужудга келгач пайдо бўлган.

О.Д.Рахимов

- таълим стандартига мослиги;
- таълим хизмати истеъмолчиларининг расмий талабларига мос келиши.

Биринчи тушунча ишлаб чиқарувчи (таълим муассасаси) нуқтаи назаридан сифатни белгиласа, иккинчиси эса истеъмолчи, яъни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сифатни баҳолайди.

Лекин, кўпинча таълим хизмати соҳаси ва истеъмолчиларнинг манфаатлари ва сифат тушунчаси юзасидан қарашлари бир-бирига тўлиқ мос келмайди. Шу сабабли таълим муассасаларида таълим сифати муаммосига икки хил нуқтаи назардан қарашлари талаб этилади:

- таълим муассасаси нуқтаи назаридан. Бунда маркетинг тадқиқотлар йўналиши – таълим жараёнини давлат таълим стандартига мослиги билан белгиланади.
- таълим хизмати истеъмолчилари нуқтаи назаридан. Маркетинг тадқиқотлар йўналиши - таълим хизмати истеъмолчилари талабларини қондирилиш даражаси орқали баҳоланади.

Таълим сифатига баҳо беришда таълим самарадорлиги тушунчасини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Таълим сифати ва самарадорлиги тушунчаларини аниқловчи мезонлар биро-биридан қандай фарқ қилади? Сифат – олинган натижанинг мақсадга нисбати (ёки тескарис), самарадорлик- олинган натижанинг харажатларга нисбати билан баҳоланади.

Таълим сифати ва таълим самарадорлиги жамиятда ҳаёт сифатини кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Давлат ва жамият умумий ва касбий таълимга қанчалик кўп маблағ сарфласа ва натижаси энг юқори халқаро стандартларга жавоб берса, ҳаёт сифати шунчалик юқори бўлади. Таълим самарадорлигини белгилашда энг оптимал харажатлар ҳисобида юқори таълим сифатига эришиш талаб этилади.

2.Таълим сифатини белгиловчи асосий омиллар ва мезонлар

Таълим ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Айнан таълим жамиятнинг интеллектуал, маданий ва маънавий ҳолатини шакллантиради.

Таълим мазмуни ва унинг йўналишлари таълим стандартлари ва дастурларида ўз аксини топади. Таълим сифатини баҳолашда қуйидаги кетма-кетликдаги ташкил этувчилар ҳисобга олиниши талаб этилади:

- ❖ билим соҳиби, тарқатувчиси;
- ❖ билим узатувчилари;

Эркин ва фаровон жамиятда таълим олиш онгли равишда ҳар бир кишининг қундалик эҳтиёжига айланади.

О.Д.Рахимов

- ❖ билимни узатиш технологияси ;
- ❖ билим олувчи;
- ❖ билимни мустаҳкамлик даражаси;
- ❖ олинган билимларни зарурлиги, кераклиги;
- ❖ янги билимлар олиш зарурлиги ва имконияти.

Таълим сифати биринчи навбатда билим соҳиблари, тарқатувчиларининг сифати, савияси ва малакаси билан белгиланади. Билим соҳиблари деганда муайян олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва уларнинг илмий салоҳияти тушунилади. Улар турли хил педагогик технологиялар ва услублар ёрдамида билим олувчиларга билим беришади. Шу сабабли билимни узатиш технологиясининг замонавийлиги, у ёрдамида таълим олувчиларни ўзлаштириш даражаси, олинган билимларни мустаҳкамлиги, асосланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Битирувчи ишлаб чиқаришга ишга жойлашгач олинган билимларнинг нечоғлик зарурлиги ёки кераклигини билиши ҳам талаб этилади. Бу ўз навбатида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш зарурлигини тақоза этади. Илмий-техник тараққиёт янгидан-янги меҳнат воситалари ва қуролларини юзага келтиради. Шу сабабли замонавий технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, жаҳон бозорига мос рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида, битирувчи ўзининг ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолиятида янги инновацион технология ва техникаларни ҳам узлуксиз ўрганиб бориши талаб этилади, яъни билимлар олиш зарурияти юзага келади. Натижада талабага билим бериш билан бир қаторда унинг мустақил билим олиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳам зарур ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таълим сифатини аниқлашда сифат кўрсаткичларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин;

- ❖ профессор-ўқитувчилар таркиби сифати;
- ❖ ўқув юртининг материал-техник базаси;
- ❖ ўқитувчилар таркибининг асосланганлиги;
- ❖ ўқув дастурларининг сифати;
- ❖ талабалар сифати;

- ❖ инфратузилма сифати;
- ❖ билим сифати;
- ❖ раҳбариятнинг инновация фаоллиги;
- ❖ инновацион жараёнларни тадбиқ этилиши;
- ❖ битирувчиларга талаб;
- ❖ битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги;
- ❖ битирувчиларнинг ютуқлари.

Ўзингизда йўқ бўлган яхши хислатларни бошқалардан ахтарманг ва кутманг.

О.Д.Рахимов

Таълим жараёнида асосий эътиборни ўқитувчи эгаллайди. Шу сабабли таълим сифатини ташкил этиш ўқитувчилар таркибини тўғри шакллантиришдан бошланади.

Савол туғилади: ўқитувчи сифатини қандай аниқлаш мумкин?

Ўқитувчи нафақат талабаларга билим беради, у бўлажак кадрлар шахсини, дунёқарашини ва маънавиятини шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ўқитувчи сифати, мажмуали тушунча бўлиб, у асосан қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- компетентлик даражаси – аниқ фан ва амалиёт соҳаси бўйича юқори билим ва тажрибага эга бўлиши;
- ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишга қобилият ва иштиёқнинг мавжудлиги;
- кузатувчанлик – ўқувчилардаги қобилиятларни ва алоҳида хусусиятларни тез илғаб олиш;
- ташқи ва ички муҳит билан алоқа ўрнатиш қобилияти;
- ўз соҳаси бўйича танилганлиги, мавқеи;
- илмий –тадқиқот соҳасидаги фаоллиги;
- илмий мактабининг мавжудлиги.

Очиқ таълимда ўқитувчининг вазифалари бирмунча ўзгаради. Чунки очиқ таълим масофадан бошқаришга асосланган бўлиб, унда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида маълум масофавий оралиқ бўлади. Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини **координациялаши**, маслаҳатлар бериши, ўқув лойиҳаларига раҳбарлик қилиши, ўқув курсини такомиллаштириши ва ўз малакасини ошириш устида ишлаши талаб этилади. Очиқ таълимда таълим жараёни юқори технологияга асосланган бўлиб, унда ахборот ва телекоммуникациянинг ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Профессор-ўқитувчи сифатини баҳолаш учун юқорида тавсия этилган кўрсаткичлар сонли баҳоланмайдиган омиллар ҳисобланади. Жумладан, компетентлик даражасини ўқитувчининг таянч маълумоти, илмий даражаси ва унвони, педагогик стаж, аниқ соҳа бўйича амалий тажрибаси орқали баҳолаш мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, кўпинча профессор-ўқитувчилар компетентлигини аниқлашда уларнинг дарс берадиган фанларини мутахассисликларига мос келишига аҳамият берилади ва бу ўринда таянч маълумот ҳисобга олинади. Бизнинг фикримизча олий таълим ўқитувчисининг компетентлигини аниқлашда нафақат таянч маълумот, балки уларнинг илмий даражаси бўйича ихтисослиги ва илмий унвон бўйича кафедраси (ёки фани) ҳам ҳисобга олиниши зарур. Мана уч омилнинг биттаси ўқитувчи ўқитадиган фанига мос келса ҳам, унинг мутахассислигини мос деб баҳолаш лозим.

Олий ўқув юртининг материал-техник базаси ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш, илмий-тадқиқот ишларини ва ишланмаларни яратиш учун зарур бўлган асосий воситаларнинг (бино ва иншоотлар, машина ва қурилмалар, лабораториялар, АРМ фонди ва б.) қиймати ва таъминланганлиги билан белгиланади.

Ўқитувчилар таркибини асослашда албатта муайян олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ҳисобга олинади. Илмий салоҳият илмий даража ва унвонли ўқитувчилар сонини асосий штатдаги умумий ўқитувчилар сонига нисбати орқали фоизда аниқланади. Шунингдек ўқитувчилар таркибини баҳолашда уларнинг ўртача ёши ҳам эътиборга олиниши мумкин.

Ўқув дастурларининг сифати нафақат уларни давлат таълим стандарти талабларига жавоб бериши билан, балки уларнинг мазмунини инновацион характерда бўлиши билан ҳам баҳоланади.

Таълим олувчилар сифати якуний натижага таъсир этувчи энг асосий ва муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Чунки, таълим жараёни марказида айнан билим истеъмолчилари- таълим олувчилар туради.

Айнан шулар учун машғулотлар ўтилади, ўқув адабиётлари ёзилади, янги таълим технологиялари ишлаб чиқилади. Шу сабабли таълим сифатини белгилашда таълим олувчилар сифатига ҳам эътибор қаратиш зарур ва шартдир. Чунки таълим жараёни натижасида айнан ана шулар охирги сифатли интеллектуал маҳсулот (кадр)ни бериши лозим.

Таълим олувчилар сифатини куйидаги кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин:

- ✚ ўқиётган йўналиши бўйича касбий билим даражаси (АЛ ёки КХҚдаги билим даражаси);
- ✚ ахборот (компьютер) технологияларини билиш даражаси;
- ✚ чет тили бўйича билими;
- ✚ муайян йўналиш (мутахассислик) бўйича ўқишга иштиёқи, қизиқиши;
- ✚ интеллекти (ақл,идрок ва заковати);
- ✚ маънавияти;
- ✚ иқтидори;
- ✚ хотира қобилияти;
- ✚ тартиб-интизоми;

- ✚ талабчанлиги;
- ✚ иш қобилияти;
- ✚ кузатувчанлиги;
- ✚ ўз мавқеини режалаштириши.

Инфратузилма сифати, яъни таълим муассасасининг таркибий тузилмаси сифати: раҳбарият тузилмаси (ректор, проректорлар, бўлим бошлиқлари, факультетлар ва кафедралар сони ва таркиби) ҳамда маъмурий-бошқарув ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва ўқув ёрдамчи ходимлар штатлари сонининг таълим жараёнини оптимал ва самарали бошқариш учун етарли бўлиши ва иқтисодий жиҳатдан мақбуллиги билан асосланади.

Билим сифати унинг фундаменталлиги, мустаҳкамлиги ва ишлаб чиқаришда қанчалик даражада кераклиги билан аниқланади.

Раҳбариятнинг инновация фаоллиги ва таълим муассасида инновацион жараёнларни тадбиқ этилиши бевосита таълим жараёнини замон талабларига мос равишда бошқариш, бошқаришнинг сифат кўрсаткичлари билан баҳоланади.

Таълимни бошқаришнинг сифат кўрсаткичлари қуйидаги принциплар орқали белгиланади:

- илмий-техник тараққиёт ва халқаро таълим стандартларини ҳисобга олган ҳолда таълим менежментини тушуниш ва унинг талабларини тўлиқ бажаришга эришиш;
- истеъмолчилар талабларини билиш ва меҳнат бозоридаги кучли рақобатбардошликни таҳлил қила олиш;
- мониторинг натижалари асосида таълим жараёнини мунтазам такомиллаштириб бориш.

Таълим менежменти тизимида раҳбар фаолияти сифатини аниқлашда унинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш ўринлидир:

- ✓ истеъмолчилар талабини билиши ва таълим жараёнини ташкил этишда ҳисобга олиб бориш;
- ✓ таълим хизмати бозори вазиятларини ҳисобга олиб бориш;
- ✓ меҳнат бозори талабларини ҳисобга олиш;
- ✓ раҳбарнинг раҳномаликни, пешқадамликни (“лидерликни”) қўлга олиши;
- ✓ профессор-ўқитувчилар ва ишчи –ходимлар таркибини тўғри шакллантира олиши;
- ✓ менежментга жараёнли ёндоша олиши;
- ✓ менежментга тизимли ёндошуви;
- ✓ бошқарув қарорларини асосли қабул қила олиши;
- ✓ бошқарувда инновацион жараёнларни қўллаш олиши;
- ✓ таълим муассасаси фаолиятини мунтазам ривожлантириб бора олиши.

Битирувчиларга талаб, уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги ва ютуқлари каби омиллар бевосита бир-бири билан

боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади. Шу сабабли, битирувчининг билим даражаси ва малакасини белгилашда ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларининг хулосалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим муассасаси рейтингини баҳолаш мақсадида битирувчиларнинг ишлаб чиқаришдаги мавқеи бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва мониторингини юритиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг кўпчилиги сонли характеристикага эга бўлмаганлиги сабабли, сифат тўғрисида умумий натижани квалиметрия асосида аниқлаш мумкин бўлади.

3. Таълим сифати ва стандартлар

3.1. Сифат бўйича халқаро стандартлар

Сифат стандартлари тўпламининг асосини ISO 9000 **“Сифатни бошқариш ва таъминлаш стандартлари. Танлаш ва амалда қўллаш бўйича раҳбарий қоидалар”** ҳужжати ташкил этади. Ушбу меъёрий ҳужжатда ташкилот ва корхоналарнинг сифатни таъминлаш соҳасидаги сиёсатининг асосий принциплари ва сифатни бошқаришнинг 3 та модели кўрсатилган ҳамда сифатга оид турли хил тушунчалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланиб, тўлиқ ёритилган.

ISO 9000 стандартлар тўпламида келтирилган сифатни бошқариш моделлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи модел – стандарт ISO 9001 “Сифат тизими. Ишлаб чиқиш (лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш) босқичида сифатни таъминлаш модели” Ушбу модел маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаётий циклининг барча босқичларини, яъни *лойиҳалаш - ишлаб чиқариш - ўрнатиш - хизмат кўрсатиш*ни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич- стандарт ISO 9002 “Сифат тизими. Ишлаб чиқариш ва ўрнатиш босқичида сифатни таъминлаш модели”.

Учинчи босқич - стандарт ISO 9003 “Сифат тизими. Тайёр маҳсулотни назорат қилиш ва синаш босқичида сифатни таъминлаш модели”.

Стандартга иқтисодий жараёнлар учун янги атама “Тасдиқ даражаси” тушунчаси киритилган. Бу истеъмолчи (буюртмачи)га маҳсулотни тайёрловчи ташкилот (корхона) томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ва уни бошқариш сифати ўзаро тасдиқланган шартномадаги техник талабларга қанчалик мос келишини белгилайди.

ISO 9004 “Сифат тизими. Сифатни бошқариш тизими элементлари. Раҳбарий қоидалар”да корхоналарда сифатни бошқаришга оид 20 элемент ва уни қўллаш бўйича тавсиялар келтирилган. Раҳбар ўз корхонасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу стандарт тавсиялари асосида сифатни бошқариш элементларини танлаб олиши мумкин.

3.2. Таълим сифати бўйича Европа стандарти.

Болон Декларацияси

Болон жараёни – олий таълимда ягона Европа тизимини вужудга келтириш мақсадида Европа давлатлари таълим тизимини бир-бирига яқинлашуви ва мослашиш жараёнидир. Болон жараёнининг расмий бошланиш вақти 1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлати томонидан Болон декларациясини қабул қилиниши ҳисобланади.

Болон жараёнининг бошланиш тарихи 1970 йилларда Европа Иттифоқи вазирлар Кенгашининг таълим соҳасидаги биринчи резолюциясини қабул қилиниши билан белгиланади. 1998 йилда Европанинг 4та давлати (Франция, Германия, Буюк Британия ва Италия) таълим вазирлари Париж университетининг 800 йиллигини нишонлаш вақтида, олий таълимдаги турли тизимлар Европада фан ва таълимни ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги тўғрисида бир фикрга келишди ва Сорбон декларациясини имзолашди. Декларациянинг мақсади Европада олий таълим тизимини стандартлаштириш мақсадида умумий қоидалар ишлаб чиқишдан иборат эди.

Сорбон декларацияси **мақсади 1999 йилда Болон** декларациясини имзоланиши билан ўз тасдиғини топди ва Европанинг 29 давлати ўз хоҳиши билан, ихтиёрий равишда ушбу декларацияни имзоладилар.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқига аъзо 49 давлатдан қуйидаги 47 таси (Монако ва Сан-Маринодан ташқари) ва Европа Комиссияси ушбу жараён иштирокчиси ҳисобланади: Австрия (1999), Азербайджан (2005), Албания (2003), Андорра (2003), Армения (2005), Бельгия (1999), Болгария (1999), Босния и Герцеговина (2003), Ватикан (2003), Великобритания (1999), Венгрия (1999), Венгрия (1999), Греция (1999), Грузия (2005), Дания (1999), Ирландия (1999), Исландия (1999), Испания (1999), Италия (1999), Казахстан (2010), Кипр (2001), Латвия (1999), Литва (1999), Лихтенштейн (1999), Люксембург (1999), Македония (2003), Мальта (1999), Молдавия (2005), Нидерланды (1999), Норвегия (1999), Польша (1999), Португалия (1999), Россия (2003), Румыния (1999), Сербия (2003), Словакия (1999), Словения (1999), Турция (2001), Украина (2005), Финляндия (1999), Франция (1999), Хорватия (2001), Черногория (2007), Чехия (1999), Швейцария (1999), Швеция (1999), Эстония (1999). Россия Болон жараёнига 2003 йил сентябрда қўшилган.

Болон жараёнининг асосий мақсади:

- Европада ягона олий таълим тизимини вужудга келтириш, жаҳонда Европа олий таълим тизимини фаоллаштириш;
- Европанинг барча олий таълим муассасаларига киришга кенг йўл очиш;
- Европа олий таълим тизимининг сифати ва мавқеини янада ошириш;
- ўқитувчилар ва талабалар мобиллигини ривожлантириш;

➤ Болон декларациясига аъзо давлатлар олий таълим тизимида барча академик даражалар ва бошқа ихтисосликларни меҳнат бозори талаблари асосида бир хил шакллантириш ҳисобига битирувчиларни муваффақиятли иш билан таъминлашни йўлга қўйиш.

Декларация қуйидаги 7 та асосий тамойилларни ўз ичига олган:

1. Бир хил академик даража ва диплом иловасини бериш орқари Европа фуқароларини иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, Европа олий таълим тизимини халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш.

2. Олий таълимда икки поғонали (циклли) ўқитишни йўлга қўйиш: таянч (дастлабки) олий таълим (undergraduate) ва битирувчи (graduate). Биринчи цикл камида 3 йил давом этиши кўзда тутилган ва бакалавр даражасини беради. Иккинчи цикл магистр даражасини олиш билан якунланади.

3. Талабаларнинг катта ҳажмда мобиллигини таъминлаш мақсадида зачет бирликларини ягона Европача тизимини тадбиқ этиш.

4. Талабаларнинг мобиллигини ривожлантириш. Трансмиллий таълим стандартини ўрнатиш.

5. Таққосланадиган мезонлар ва услубиётларни ишлаб чиқиш мақсадида сифатни таъминлаш учун Европа ҳамжамиятига кўмаклашиш.

6. Таълим сифатининг ички назорат тизимини тадбиқ этиш ва ОТМ фаолиятини ташқи баҳолашга талабалар ҳамда иш берувчиларни жалб этиш.

7. Ўқув режаларини, институтлараро ҳамкорлик, мобиллик ва ҳамкорлик ўқув дастурлари, амалий тайёрлов ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни ривожлантириш орқали олий таълимда Европача анъаналарни юзага келишига кўмаклашиш.

Болон декларацияси доирасида ҳар икки йилда бир марта аъзо давлатлар таълим вазирлари иштирокида конференция ташкил этилади (2001 йил – Прага, 2003 йил-Берлин, 2005 йил - Берген, 2007 йил – Лондон, 2009 йил - Лёвен (Белгия), 2010 йил-Будапешт ва Вена). Шунингдек, ушбу жараён доирасида ташкилий форумлар (1-ташкилий Болон форуми -2009 йил Лёвен шаҳрида, 2- ташкилий Болон форуми – 2010 йил Венада) ўтказилшган.

Европа олий таълим тизими келажагини аниқлайдиган тамойиллар ичида қуйидаги 3 та омил асосий ўрин эгаллайди:

1. Икки поғонали (циклли) олий таълимни тадбиқ этиш (бакалавр, магистр).

2. Синов бирликларини кўчириш ва тўлдиришга имкон берувчи Европа кредит тизми (ECTS) ни жорий этиш.

3. Олий таълим муассасалари ва олий таълим дастурларини аккредитациялаш жараёнини Европача анъаналарга мослаш.

Болон жараёни тамойиллари таълим дастурларини қиёслаш муаммосини ҳал этишга қаратилган **ECTS (European Credit Transfer**

System) таълим натижаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш, академик мобилликни оширишга кўмаклашишни назарда тутди.

ECTS қуйидаги масалаларни ҳал этишга йўналтирилган:

- ❖ талабаларга чет элларда ўқишга ёрдам бериш;
- ❖ бир олий ўқув юртидан иккинчисига ўқишни кўчирганда ўқиш натижаларини таққослаш ва қайта тўлдиришни таъминлаш;
- ❖ чет эл олий ўқув юртлари ўқув режаларига тезкор кириш ва академик тан олишни таъминлаш.

ОТМ ECTS тизимини жорий этиши учун қуйидагиларни амалга ошириши талаб этилади:

- ўқув режаларининг аниқ ва тушунарлилигини таъминлайди (ўқув жараёни тўғрисида тўлиқ маълумотларни батафсил баён этади);
- академик ихтисослик (даража)ни тан олинишида кўмаклашади.
- ўқув режасида курслар таркибини, талабанинг ўқув юкламасини ва ўқиш натижаларини аниқ ифодалайди.
- ўзининг мустақиллигини сақлайди ҳамда талабанинг ўқиш натижаларига оид қабул қилинган қарорлари учун тўлиқ жавоб беради.

ECTS Европа Комиссияси ERASMUS дастур лойиҳасининг дастлабкиси сифатида юзага келган бўлиб, ундан кўзланган мақсад Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар олий таълим тизимида барча таълим натижаларини академик жиҳатдан тан олишни қўллаб-қувватлашдир. 1992/93 академик йиллардан бошлаб - Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар ва Озод Европа савдо ассоциацияси (EFTA) доирасида таълим натижаларининг тан олиниши талабаларга ўз таҳсилларини бошқа давлатлар олий ўқув юртларида давом эттиришга имконият яратди ва талабалар мобиллигини ривожланишига шароит яратди.

ECTS олти йил мобайнида тажрибавий текширувдан ўтган (1989/90 йилдан 1994/95 йилгача) ва бунинг учун қуйидаги бешта фан соҳаси танлаб олинган: «Бизнесни бошқариш», «Химия», «Тарих», «Тиббиёт», «Муҳандислик механикаси». Талабалар алмашинуви тизимида Европа олий ўқув юртларининг 145 факультети катнашган [8].

ECTS таълим натижаларини академик тан олишнинг марказлашувига қарши тизим бўлиб, олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро ишончга асослангандир. Ушбу тамойилни амалга тадбиқ этиш учун ECTS бир қатор қоидаларни ўрнатади: олий таълим муассасаси курслари тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратиш; талабаларни қабул қилувчи ва юборувчи олий таълим муассасалари ўртасида келишув; ўқув дастурларини ўзлаштириш натижаларини баҳолашнинг ягона тизимини (ECTS баллари – кредит) ни тадбиқ этилиши. ECTS тизимига кўра ўқувчи бир семестрда 30 та ёки бир йилда 60 та кредит олиши мумкин.

ECTS ўз тузилишига кўра тўртта асосий қисмни ўз ичига олади:

- ✚ ахборот таъминоти;
- ✚ битим;

- ✚ кредит тизими;
- ✚ академик йилда талаба тўплаган кредитлар йиғиндисини аниқлаш.

Ахборот таъминоти қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот пакетидан иборатдир:

- ◆ ўқув режаси;
- ◆ ўқув режасига кирган курс дастурлари;
- ◆ ҳар бир курсни кредитлаш тизими (ҳар бир курс учун ажратилган кредитлар сони);
- ◆ билимларни баҳолаш тизими;
- ◆ баҳолаш шкаласи;
- ◆ қўшимча маълумотлар.

Битим. Бу шартли жараён бўлиб, талаба ECTS доирасидаги бирор чет эл олий ўқув юртида ўқишини давом эттириши мақсадида стандарт аризани тўлдиради ва ушбу ариза талаба таҳсил олаётган ОЎЮ ҳамда ECTS координаторига юборилади. Талабанинг олдин ўзлаштирган курслари сони ва ҳажми (кредитлар сони) талаба танлаган олий ўқув юртига тақдим этилади. Агар талаба мазкур ОТМга қабул қилинса иккала ОЎЮ координаторлари орқали талабага маълум қилинади.

Кредитлар тизими. Бу тизим ўқув йилини муваффақиятли тугатишга қаратилган, бажарилган ишлар ҳажмини миқдорий жиҳатдан баҳолаш жараёнини ифода этади. ECTS доирасида бир ўқув йили бўйича кредитлар сони 60 га тенг бўлиши лозим. Кредит талаба томонидан ўқув йили давомида бажарилган ишлар ҳажмини, жумладан маърузалар тинглаш, амалий ва семинар машғулотларда қатнашиш, лаборатория ишларини бажариш ва бошқа юкламаларни ифодалайди.

ECTS бўйича баҳолаш тизими	
Белгиланишлар	Ўзлаштириш даражаси
A	аъло
B	Жуда яхши
C	Яхши
D	Қониқарли
E	Минималъ талаб бажарилган, етарли
FY	Қониқарсиз, маълум даражада қўшимча ишлаш талаб этилади
F	Қониқарсиз, катта миқдорда қўшимча ишлаш талаб этилади.

Келгусида ECTS тажрибасини Европа Кенгаши Конференцияси (Forum Conference of the Higher Education and Research. Committee, Malta,

1994)да олий таълим муассасаларида кенг қўллаш тавсия этилган. Ушбу тизим Европа Кенгаши Конвенцияси (ЮНЕСКОнинг Европа минтақасидаги олий таълимга доир квалификацияларни тан олиш қўмитаси) ва 50 дан ортиқ аъзога эга бўлган Халқаро таълим Европа Ассоциацияси (European Association of International Education) сингари йирик халқаро нодавлат ташкилотлар томонидан маъқулланган.

Ўзбекистонда таълим сифатини халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш, миллийликни сақлаган ҳолда ривожланган давлатлар таълим тизимини, жумладан Болон декларациясини атрофлича ўрганиш орқали халқаро таълим тизимига кириб бориш, таълимда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Олий ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг 2003 йил 28 майдаги 5/6-сон ва 2003 йил 5 августдаги 7/3 –сон қарорлари қабул қилинган.

4. Трансмиллий таълим

Ҳозирги вақтда жаҳон таълим тизимида “Трансмиллий таълим” атамаси кенг ишлатилмоқда. Трансмиллий таълим деганда бошқа давлатда яшаб, бошқа мамлакат университетларида таълим олиш жараёни тушунилади.

Юқорида таъкидланганидек трансмиллий таълимда таълим сифатини халқаро назорат қилиш мақсадида Global Alliance for Transnational Education (GATE) ташкилоти тузилган. Ушбу ташкилот томонидан трансмиллий таълим принциплари ва ушбу принциплар асосида фаолият юритувчи ОТМни сертификациялаш тартиби ишлаб чиқилган. Ташкилотнинг асосий принципларига асосан қуйидагилар киради:

Трансмиллий таълимнинг мақсад ва вазифалари таълим олувчига тушунарли ва аниқ бўлиши, университет-провайдер компетенциясига мос келиши зарур. Трансмиллий дастур асосида таълим олувчи талабалар учун университет-провайдер томонидан университетнинг манзили ва ўқитиш технологияси қандай бўлишидан қатъий назар, таълим дастурини стандартга мос келиши ва сифат мезонларига тўлиқ жавоб бериши кафолатланган бўлиши лозим.

Трансмиллий таълим ушбу университет жойлашган давлат қонуний ҳужжатларига мос келиши ва талаба яшаётган давлат томонидан қувватланиши (тан олиниши) керак.

Университет-провайдер трансмиллий таълим дастурини амалга ошириш ва таъминлаши учун:

- ✚ етарли даражада юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар билан таъминланган бўлиши;

- ✚ университет-провайдернинг фаолияти мунтазам назорат қилиб борилиши ва баҳоланиши;

- ✚ трансмиллий таълимни кафолатловчи адекват муҳит ва техник воситалар билан тўлиқ таъминланган бўлиши ва у талабанинг бутун ўқиш даврида барқарор бўлиши;

- ✚ трансмиллий таълим дастури ва ўқитиш услублари педагогик жihatдан талаба талабларига жавоб бериши;
- ✚ талабалар трансмиллий таълим дастурини максимал даражада ўзлаштиришларига кафолат бериши;
- ✚ таълим дастурлари келажакда таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида мунтазам назорат қилиниши ва баҳоланиши лозим.

5. Чет эл олий ўқув юртларида таълим сифатини баҳолаш тизимлари

Ҳар бир давлатда таълим дастурлари, материал ресурслар базаси, кадрлар салоҳияти ҳамда бошқариш тизимига боғлиқ ҳолда жамият, шахс ва давлат талаблари асосида ўзига хос таълим сифатини кафолатлаш тизими яратилган. Олий таълим сифатини бошқариш тизимида таълим сифатини баҳолаш услублари муҳим рол ўйнайди.

ОТМ фаолиятини баҳолашнинг тарихан шаклланган ва ўз-ўзини ички баҳолашга асосланган “Англия модели” ва олий ўқув юртининг жамият ва давлат олдидаги мажбуриятларидан келиб чиқиб ташқи баҳолашга асосланган “Франция модели” ҳамда уларнинг турли комбинацияларидан иборат бўлган турли баҳолаш моделлари амалда қўлланилади.

Жаҳон тажрибасида олий таълимни баҳолаш тизимини икки турга бўлиш мумкин:

1. Олий таълим муассасалари ривожланишини мувофиқлаштирувчи давлат бошқарувининг ваколатли органи мавжуд бўлган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Бу ҳолларда баҳолаш тизими ҳукумат томонидан молиялаштирилувчи давлат органларининг устуворлигига асосланади. Бунда ўз-ўзини баҳолашга эътибор пастроқ бўлиб, асосий урғу давлат органлари ёки жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган самарали ташқи баҳолашга қаратилган бўлади. Бундай баҳолаш тизимлари кўпинча ҳукумат назорати, лицензиялаш, давлат аккредитацияси, турли олий таълим муассасаларини солиштириш, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва университетларга таъсир ўтказиш билан боғлиқ. Олий таълимнинг давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлган мамлакатлар қаторига Европанинг Германия, Франция, шунингдек, европача олий таълим анъаналарини қабул қилган МДХ мамлакатлари киради.

2. Олий таълимни давлат бошқаруви органлари мавжуд бўлмаган мамлакатлардаги олий таълимни баҳолаш тизими. Бу ҳолларда университетлар фаолиятини яхшилашга, ички таҳлилга асосланган олий таълим муассасаларида ўз-ўзини баҳолаш, ёки касбий, ёки жамоатчилик баҳолаши устуворлик қилади. Олий таълим бўйича ўз-ўзини мувофиқлаштириш мамлакатлари қаторига, биринчи навбатда, Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, америкача олий таълим анъаналарини қабул қилган мамлакатлар киради (Филиппин, Тайвань) [7].

Айрим мамлакатларда олий таълимни баҳолашнинг юқорида қайд қилинган усуллари биргаликда қўлланилади (Швеция, Норвегия, Финляндия, Буюк Британия, Чехия, Словения ва бошқалар). Бундай баҳолаш тизими Умумжаҳон сифатни бошқариш (Total Quality Menegement, TQM) принциплари ва стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг (International Organization for Standardization, ISO) сифат менежменти тизими талабларига асосланади.

Ўз-ўзини бошқаришга асосланган ОТМда таълим сифатини ташқи баҳолаш принциплари қуйидагилардан ташкил топган:

- ✓ университет фаолияти ва таълим дастурларини асосий мақсад ва вазифаларга мос келиш даражасини мунтазам текшириб бориш;
- ✓ фаолиятни эксперт баҳолаш ва университетнинг ривожланишини режалаштириш учун масъул шахс ёки таркибнинг мавжудлиги;
- ✓ ўз-ўзини текшириш жараёнини амалга ошириш учун кенг ва самарали ахборот тизимининг мавжудлиги;
- ✓ ўз-ўзини баҳолашни мунтазам амалга оширилиши (хизматлар соҳасини, бошқарув тизимини, таълим дастурларини ва б.) ҳамда университетнинг ўз-ўзини баҳолаш натижаларини текшириш учун ташқи эксперт баҳолаш;
- ✓ ташқи эксперт баҳолаш натижалари асосида ўз вақтида бошқарув
- ✓ тузилмаси ва услубини, таълим дастурларини такомиллаштириш, материал ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизимини амалиётга жорий этиш.

Қуйида айрим ривожланган давлатлар олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш услубиётларини келтириб ўтамыз:

Буюк Британия.

Буюк Британияда университетлар фаолияти ва уларнинг таълим дастурлари сифатини баҳолашнинг давлат ташкилотларининг бош роли таъминланган кўп поғонали аккредитациялаш тизими **Quality Assurance Agency (QAA)** йўлга қўйилган. Бир қанча ОТМ ОАА мезонлари асосида, келишилган ҳолда таълим муассасаларининг таълим дастурлари сифатини баҳолашади. Масалан, 1992 йилда The Open University (Очик Университет) таълим муассасаларини, жумладан Буюк Британиянинг чет эллардаги таълим муассасалари фаолиятини аккредитациялаш ҳамда валидациялаш (ратификациялаш, тасдиқлаш) бўйича ўзининг The Open University Validation Services (OUVS) структурасини ташкил этган.

Таълим муассасалари фаолиятини аккредитациялаш бўйича OUVS талаблари қуйидагилардан иборат:

- барча талабларга мос таълим муҳитини яратилганлик ҳолати;
- таълим дастурларини амалга оширишда мустақиллик;
- академик фаолликни самарали ташкил этилиши;

- таълим сифатини кафолатлашнинг самарали тизимини мавжудлиги;
- интеллектуаль мулк (илмий салоҳият) даражаси;
- ташқи тавсиялар учун очиқлик;
- молиявий хавфсизлик.

The Open University Validation Services (**OUVS**) қуйидаги йўналишлар бўйича баҳолашларни амалга оширади:

➤ ташхислаш: таълим дастурларини амалга оширишга тайёрлиги ва имкониятлари, ўқитишда юзага келадиган муаммоларни аниқлайди (интервью, тестлар ва б.);

➤ шакллантирувчи: таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатидаги тескари алоқа элементлари (топшириқлар, рефератлар, иш дафтарлари, семинарлар ва б.)ни ўрганади;

➤ якуний: ўқув жараёни натижасининг ютуқлари ва камчиликларини аниқлайди (оғзаки ёки ёзма имтиҳонлар, лойиҳалар тақдимоти) .

OUVSнинг баҳолаш принциплари асосан қуйидагилардан иборат:

- баҳолаш очиқ, ҳаққоний, асосланган ва ишончли бўлиши лозим;
- ўқув жараёни натижалари бўйича баҳолаш аниқ манзилли бўлиши керак;
- баҳолаш мезонлари барча учун тушунарли бўлиши, академик баҳолар имкон борида жамоавий фаолият бўйича бўлиши лозим;
- натижалар мунтазам қайта баҳолашга тақдим этилади.

The Open University Validation Services (**OUVS**) томонидан ўтказиладиган аккредитация мақсади қуйидаги масалалар бўйича фаолият натижасини тасдиқлашга йўналтирилган бўлади:

✓ таълим дастурларини амалга оширувчи ўқув юртининг ресурсларини ўрнатилган талабларга мос келиши (ўқитувчилар таркиби, ахборот имкониятлари, молиявий аҳволи);

✓ ички тизим тартиби таълим стандарти сифатини кафолатлашга мос бўлиши;

✓ талабалар ҳуқуқини таъминланиши.

OUVS нинг асосий мезонлари қуйидаги характерли хусусиятларга эга:

✚ соний кўрсаткичларни йўқлиги;

✚ ўқитувчиларни ўқитадиган фанига мос келувчи соҳалар бўйича академик (педагогик) ва тадқиқот (илмий) фаоллигини рағбатлантириш;

✚ таълим сифатини кафолатловчи тизимга талаблар, ташқи ва ички баҳоловчилар, шунингдек ишлаб чиқариш экспертлари томонидан талабаларнинг академик фаоллиги ва натижаларининг тизимли мониторингини юритиш.

Австралия

Австралия муҳандислик институти ва Австралия муҳандислик факультетлари деканлари Кенгаши томонидан 1996 йилда ишлаб чиқилган таълим дастурларини Аккредитациялашга янгича ёндошувда, асосан сифатни кафолатлаш тизимининг ички механизмига катта эътибор қаратилган. Муҳандислик ўқув дастурларини аккредитациялашнинг янги мезонлари ўқув жараёнига эмас, унинг натижаларига асосланган. Аккредитациялаш тартиби ички баҳолаш ва сифат кафолати билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхоналарининг ташқи баҳолари ҳамда тавсияларини ўз ичига олган. Умуман, аккредитациялаш жараёни замонавий ишлаб чиқариш талабларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик дастурлари инновациясини таъминлаш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган.

Аккредитациялашнинг асосий мезонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- университетга қабул қилинадиган талабаларнинг дастлабки тайёргарлик сифати;
- профессор-ўқитувчилар ва талабаларга талаб;
- касбий (малакавий) амалиёт
- битирувчиларга талаб.

Ушбу мезонларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан изоҳланади:

- ўқув режаларини шакллантиришда университетларнинг ўзларига кўпроқ эркинлик берилиши;
- мутахассислар тайёрлаш сифатига асосий эътибор қаратилиши;
- таълим дастурлари сифатини ошириб бориш мақсадида уларни мунтазам такомиллаштириб борилиши;
- таълим стандартларида инновацияларни рағбатлантириб борилиши.

Германия

Германияда 1998 йилда таълим вазирлари анжуманида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш дастурини баҳоловчи Аккредитация Кенгаши тузилган. Ушбу Кенгаш аккредитация агентликлари учун минимал стандартлар ва мезонларни ишлаб чиқди. Германия муҳандислар Ассоциацияси 1999 йили муҳандислик ва компьютер соҳаси бўйича Аккредитациялаш Агентлигига асос солди. Германиядаги биринчи аккредитациялаш ташкилоти Қуйи Саксония еридаги Марказий Агентлик Central Agency of Evaluation of Lower Saxony's Institutions of Higher Education (ZEvA) ҳисобланади. Ҳозирги кунда техника, информатика, табиий ва математика соҳалари таълим дастурларини аккредитацияловчи Accreditation Agency for Study Programs in Engineering, Informatics, Natural Sciences and Mathematics (ASIIN) агентликлари фаолият юритмоқда.

АҚШ

АҚШда таълим сифатини аккредитациялаш таълим сифатини назорат қилиш тизими бўлиб, таълимни ривожланишига манфаатдор барча томонлар манфаатларини ҳисобга олишга асосланган. У ўзида давлат ва жамоатчилик назоратларини мужассамлаштирган.

Аккредитациялашнинг асосий мақсадлари:

➤ таълим самарадорлигини баҳолаш принциплари ва мезонларини ишлаб чиқиш асосида олий таълим тараққиёти ва ривожланишини таъминлаш;

➤ таълим муассасалари ривожланишини рағбатлантириш, узлуксиз ўз-ўзини текшириш ва режа асосида таълим дастурларини такомиллаштириш;

➤ ўқув юрти ёки аниқ йўналишдаги таълим дастури тўғри шакллантирилган мақсадга ва унга эришиш шароитларига эгаллиги тўғрисида жамиятни кафолатлаши;

➤ ОТМ ва таълим дастурларини шаклланиши ҳамда ривожланишига ёрдам бериши;

➤ ўқув юртларининг таълим фаолиятига аралаштириш ва уларнинг академик эркинлигини камситилишидан ҳимоялаши;

АҚШда таълим муассасалари фаолиятини аккредитациялаш жараёнини ўқув юртининг академик эркинликларини таъминлаш ҳуқуқлари ҳамда унинг давлат ва жамият олдидаги жавобгарлиги мувозанатини сақлашга қаратилган жамоавий ўз-ўзини мослаштириш тизими деб қараш мумкин.

АҚШда 2 хил, институциональ ва ихтисослаштирилган аккредитациялаш тизими мавжуд.

Ихтисослашган (профессионал) баҳолашда алоҳида таълим дастури ва мутахассисликларни тайёрлаш мақсади ва унга эришиш шароитлари аккредитациядан ўтказилади.

Агар таълим муассасаси фаолияти тўлиқ баҳоланса институционал аккредитация деб ҳисобланади.

Институциональ аккредитациялаш стандартлари (кўрсаткичлари) университетларнинг ўз вазифасига мос самарали фаолиятини баҳолашнинг асосий мазмунини ташкил этади. АҚШда таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда дастлаб соний кўрсаткичлардан (профессор-ўқитувчилар сони, кутубхона ресурслари, лабораторияларнинг ўқув-техник таъминоти даражаси, молиявий таъминоти ва б.) фойдаланилган. Натижада XX асрнинг биринчи ўн йилигида АҚШда олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга эришилган. Кейинчалик, стандартлар олий таълим муассасалари маъмурияти томонидан каттиқ танқид остига олиниб, бундай соний баҳолашлар натижаси таълимни стандартлаштиришга олиб келиши кўрсатилган. ОТМларини регионал аккредитациялаш агентликлари соний баҳолаш (институционал аккредитация)дан воз

кечишиб, “Стандарт” атамаси эса “мезонлар” атамаси билан алмаштирилган ва бу билан таълим муассасаси фаолиятини эксперт баҳолаш (махсус йўлга қўйилган).

АҚШдаги 6 та регионал аккредитациялаш агентликларининг ҳар бири ўзларининг мезонларини ишлаб чиқишган, ҳар бир мезон асосланиб университетлар эътиборига етказилган. Ушбу мезонларга умумий қилиб қуйидагиларни киритиш мумкин:

- университетнинг бир бутунлиги;
- мақсади, режалаштириши ва самарадорлик;
- бошқарув ва маъмурият тизими;
- таълим дастурлари;
- профессор-ўқитувчилар ва хизмат қилувчи ходимлар таркиби;
- кутубхона фонди, компьютер базалари ва ахборотларнинг бошқа манбалари;
- талабаларга хизмат кўрсатиш ва таълим олиш учун бошқа шароитларнинг яратилганлиги;
- материал ресурслар, бинолар ва қурилмалар;
- молиялаштириш;

Таълим муассасасини аккредитациялаш қуйидагиларни тасдиқлаб, асослайди:

- ✓ таълим муассасасининг аниқ, асосланган мақсадга эгалиги;
- ✓ мақсадга эришишдаги ресурслар етарли ва асосланганлиги;
- ✓ келажакда мақсадга эришиш истикболлари ишлаб чиқилганлиги.

Ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган аккредитациялашдан олдин, университет институциональ аккредитациялашдан ўтиши талаб этилади.

Ихтисослашган аккредитациялашда асосий эътибор ўқув жараёни мазмунига қаратилади:

- ✚ фундаменталь билимлар даражаси;
- ✚ махсус фанлар бўйича билим даражаси;
- ✚ амалий кўникмалари;
- ✚ лойиҳалаш малакалари;
- ✚ компьютердан фойдаланиш даражаси.

Институциональ аккредитациялаш жараёнидаги айрим камчиликлар, бошқа соҳалардаги ютуқлар ҳисобига тўлдирилиши мумкин, лекин ихтисослашган аккредитация таълим дастурининг қанчалик талабга жавоб беришини баҳолайди. Таълим дастурлари аккредитацияси (ихтисослашган), қачонки ОТМ бошқа барча мезонларга жавоб берсагина амалга оширилади.

Ихтисослашган аккредитациялаш асосан қуйидагиларга асосланади:

- аккредитациялаш агентлиги эксперт комиссия ёрдамида аккредитация натижалари бўйича қарор қабул қилиш мезонлари ва тартибини аниқлайди;
- ўқув юрти фаолияти ва таълим дастури ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш асосида ўрганилади;

- эксперт гуруҳи ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш материалларини таҳлил қилиб, хулоса тайёрлайди ва агентлик ҳамда ОТМга тақдим этади;

- ОТМ экспертлар хулосасига ўз муносабатини билдиради;

- агентлик комиссияси ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш маълумотлари, эксперт хулосаси ва хулоса бўйича ОТМ жавоби асосида мазкур ўқув юрти аккредитациясини тасдиқлаш ёки инкор этиш бўйича қарор чиқаради.

Ихтисослашган аккредитациялашнинг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

- ❖ Абитуриентларга олий ўқув юртини танлашда ёрдам бериш;

- ❖ Давлат органларига мазкур ОТМ ни қўллаб-қувватлаш бўйича қарор чиқаришда ёрдам бериш;

- ❖ Хусусий корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўз маблағларини мазкур ОТМга сарфлаш тўғрисида хулоса чиқаришларида ёрдамлашиш.

АҚШда техника ва технология соҳасидаги таълим дастурларини аккредитацияловчи таниқли ташкилот Accreditation Board for Engineering and Technology (ABET) ҳисобланади. Ушбу ташкилот 28 та профессионал муҳандислик ва техник жамиятлар федерациясидан иборат. ABET 1500 дан ортиқ муҳандислик ва 700 га яқин технологик ОТМ таълим дастурларини аккредитациялашдан ўтказган. Ҳозирги кунда Германия, Голландия, Туркия, Сингапур, Мексика ва бошқа давлатларнинг 70 яқин ОТМларининг таълим дастурлари ABET томонидан америка аналогига мослиги тан олинган.

Техника ва технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатига ABET томонидан қўйилган асосий мезонлар қуйидагилардан иборат:

- ❖ замонавий илмий-техник, ижтимоий ва сиёсий муаммоларни билиши ва тушуниши;

- ❖ табиий-илмий, математик ва муҳандислик билимлардан амалиётда фойдалана олиш қобилияти;

- ❖ ўрганган услублари ва ортиқча малакаларини муҳандислик амалиётида қўллаш олиши;

- ❖ муҳандислик муаммоларини шакллантириш ва ҳал этиш қобилиятлари;

- ❖ белгиланган вазифаларга мос ҳолда жараёнлар ёки тизимларни лойиҳалаш қобилиятлари;

- ❖ тажрибаларни режалаштириш ва ўтказиш, маълумотларни қайд этиш ҳамда изоҳлаш, асослаш қобилиятлари;

- ❖ фанлараро мавзуларда жамоада ишлаш қобилияти;

- ❖ жамоада самарали ўзаро таъсир этиш қобилияти;

- ❖ касбий ва ахлоқий жавобгарлиги;

- ❖ чуқур ва кенг билим, муҳандислик ечимларининг ижтимоий оқибатларини етарли даражада тушуниши;

❖ мунтазам ўз устида ишлаш ва доимий ўқиш зарурлигини тушуна билиши.

Жанубий Корея.

Кореяда 359 та олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб уларда 3,3 млн.га яқин талабалар таҳсил олишади. Ушбу олий ўқув юртларининг 222 таси тўрт йиллик коллежлар, 180 таси хусусий таълим муассасаларидир. Жами мавжуд олий ўқув юртларининг 85 фоизи хусусий таълим муассасаларидир. Университетларда 78%, касбий мактабларда 96 % талабалар хусусий таълим муассасаларида ўқишади. Университетларнинг умумий харажатларини 23% давлат томонидан молиялаштирилади. Бошқа ривожланган давлатлар қатори Кореяда ҳам олий таълим икки босқичда (бакалавриат ва магистратура) олиб борилади.

Бакалавриат таълим дастурлари 4 йилга мўлжалланган бўлиб, камида 130 кредит бирлигидан иборат. Ўқув дастурининг биринчи икки йили умумкасбий ўқув фанларидан, охирги икки йили эса мутахассислик фанларидан иборат. Семестр 16 ҳафтадан иборат. Бакалаврлар асосан университетларда ва 4 йиллик ўқув дастури асосидаги коллежларда тайёрланади.

Магистратура икки йиллик ўқув дастурини ўз ичига олади ва 24 кредит бирлигидан иборат. Магистратурага бакалавриатни тугатганлар суҳбат, имтиҳон ва танлов асосида қабул қилинади.

Докторлик дастурлари Таълим Вазирлиги томонидан назорат қилинади ва камида 36 кредит бирлигига эга икки йил тўлиқ иш куни ҳисобида фаолият юритилади. Бакалаврлар учун эса 60 кредит бирлигига эга бўлиб, 4 йиллик илмий – тадқиқот фаолиятдан иборатдир. Докторантлардан камида 2 та чет тилини эркин билишлари талаб этилади.

Корея олий таълим тизимида сифатни назорат қилиш ва аккредитациялаш таълим, фан ва технологиялар Вазирлиги томонидан амалга оширилади. Шунингдек вазирлик таълим муассасалари ва факультетлар ташкил этишга рухсат беради ҳамда қабул квоталарини белгилайди.

Университетлар доирасида институтционал аккредитациялашни Университет таълими бўйича Корея Кенгаши (КСИЕ) амалга оширади. Ҳозирги кунгача ушбу кенгаш (КСИЕ) томонидан 201та университет аккредитацияланган.

6. Ўзбекистон олий таълим тизимида таълим сифати

“Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши республикамизда таълим тўғрисидаги ислохотларнинг бош стратегиясини белгилаб берди.

Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасаларини барпо этиш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу модель авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асослангандир. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2012 йил февраль ойида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида “Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди” –деб таъкидлаган эдилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларини моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши таълим мазмуни ва сифатини тубдан ўзгаришига олиб келди. Таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига давлат таълим стандартлари (ДТС) ва давлат талаблари жорий этилди. Ҳозирги кунда меҳнат бозори талабларига мос ҳолда кадрлар тайёрлаш тизими шаклан ва мазмунан барқарорлашиб, жаҳон таълим тизими талаблари даражасига кўтарилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид 10 дан ортиқ фармонлари ва қатор фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 50 дан ортиқ қарор ва фармойишлари, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ваколатига кирувчи масалалар юзасидан меъёрий –услубий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда таълим сифатини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таъминлаш ва сифатни назорат қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги 258-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (ДТМ) ташкил этилди. ДТМ давлат бошқарув органи ҳисобланиб, ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги “Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 293-сон қарорига мувофиқ қуйидагилар ДТМ нинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- республика таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синовини орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлиги ҳолисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

- абитуриентлар, ўқувчилар, талабалар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига ва давлат талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- тест синовини натижаларининг ҳолисоналиги, ишончлилиги ва адолатлилигини таъминлаш;

- узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

- идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш;

- Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажариш;

- хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификациялаш (тенглигини аниқлаш) тартиби амалга оширилишини ташкил этиш ва таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартдаги 109-сон қарори билан Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этилган ва унинг функциялари этиб қуйидагилар белгиланган:

- узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш мониторингини олиб бориш ва сифатини назорат қилиш;

- узлуксиз таълим тизимида профессор-педагоглар таркибини ва ривҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиш;
- олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш;
- мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш;
- нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш, таълим муассасаларини акредитациялаш ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш.

7. Ўзбекистонда таълим стандартлари

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни](#)ни ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш [миллий дастурига](#) мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январда “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” 5-сон қарорига асосан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича Низом қабул қилинган. Ушбу Низомга мувофиқ ДТС таълимнинг қуйидаги турлари белгиланган:

- ❖ умумий ўрта таълим, шу жумладан бошланғич таълим;
- ❖ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари);
- ❖ олий таълим (бакалаврият, магистратура).

Мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади.

ДТС Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Республика комиссиясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. ДТС улар тасдиқланган санадан бошлаб амалга киритилади ва таълим бошқаруви ваколатли органлари ва таълим муассасалари томонидан мажбурий ижро этиш учун қабул қилинади.

Тасдиқланган ДТСга мувофиқ таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар таълим ва касб-ҳунар дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалий ўзлаштирилишини рўёбга чиқаради.

Таълим оловчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда ўқув юкламасини табақалаштириш, ДТС томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча таълим мазмунини белгилаш таълим бошқаруви

ваколатли органлари ва ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари ваколатига киради.

Давлат таълим стандартлари жорий этилиши қуйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутди:

➤ таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш;

➤ мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;

➤ таълимнинг демократиялашуви, инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;

➤ сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

➤ кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолиятини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилаш;

➤ таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва босқичларида ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;

➤ меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлиликни таъминлаш.

Кейинги йилларда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг учинчи босқичи талаблари асосида республикамізда олий таълимнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида бир қатор

Ўзбекистонда меҳнат бозори талаблари, олий маълумотли кадрларнинг асосий истеъмолчилари бўлган вазирлик ва ташкилот, муассасалар ҳамда бевосита ОТМ таклифлари ҳамда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мувофиқ таълим даражаси ва кадрлар тайёрлашга нисбатан қўйиладиган талаблар ўзгариши асосида 2014 йилда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори ва давлат таълим стандартлари қайта такомиллаштирилди.

8. Ўзбекистонда таълим муассасалари аккредитацияси

Ўзбекистон Республикасида таълим муассасалари аккредитацияси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон [қарорига](#) асосан “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ” асосида амалга оширилади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг [6](#) ва [25-моддаларига](#) мувофиқ идоравий

мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари (кейинги ўринларда — таълим муассасалари)ни давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Давлат аккредитацияси таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда унинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат.

Таълим муассасасини аккредитациялаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Давлат тест маркази қошида доимий фаолият кўрсатувчи Аккредитация комиссияси тузилади. Комиссия таркиби Давлат тест маркази буйруғи билан тасдиқланади. Давлат тест маркази директори Аккредитация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Давлат аккредитацияси таълим муассасасининг аттестацияси ҳулосаларига кўра амалга оширилади. Аккредитация комиссияси таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари мезони ҳамда талабларига жавоб беришини эътироф этиш билан биргаликда унинг мақомини ҳам белгилайди.

Таълим муассасасини аккредитациялаш юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, таълим муассасасига 2 ҳафта давомида давлат аккредитацияси ҳақида ушбу Низомда келтирилган шаклдаги сертификат берилади. Сертификатда таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тури, мақоми ва сертификатнинг амал қилиш муддати қайд этилади ва таълим муассасасининг таълим дастурлари, йўналиш ва мутахассисликлари рўйхати илова қилинади. Сертификат 5 йил муддатга берилади.

Таълим муассасаси қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат ўз кучини йўқотади.

Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасаси томонидан таълимга оид қонунлар бузилганлиги ёки амалга оширилаётган таълим хизматлари Давлат таълим стандартлари талабларига мос келмаслиги ёки сертификатда белгиланган кўрсаткичлар доирасидан четга чиқишлар аниқланган тақдирда Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат бекор қилиниши мумкин.

Давлат аккредитациясидан ўтган таълим муассасалари Давлат тест марказида рўйхатга олинади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

9.Олий таълим муассасаларининг аттестацияси

Ўзбекистонда барча таълим муассасалари, жумладан олий таълим муассасалари 5 йилда бир марта режа бўйича аттестациядан ўтказилади.

Аттестация таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиб, таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Таълим муассасалари аттестацияси Давлат тест маркази томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.

Янги ташкил этилган таълим муассасаси аттестацияси биринчи битирув якунларига кўра таълим олувчилар тайёрлаш даври тўла тугагандан сўнг ўтказилади.

ОТМ нинг аттестацияси жараёнида таълим турлари бўйича таълим муассасаларининг охириги уч йиллик фаолиятини комплекс таҳлил этиш асосида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- 1.Давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши.
- 2.Талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими).
- 3.Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти.
- 4.Илмий-тадқиқот ишларининг истеъмолчилар талабларидан келиб чиқиб олиб борилаётганлиги.
- 5.Талабаларнинг дарслик (жумладан, электрон дарсликлар) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси.
- 6.Моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютерлаштириш салмоғи, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиш ҳолати ва улардан фойдаланилиши ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлик даражаси.
- 7.Замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши.
- 8.Таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси.
- 9.Аспирантура ва докторантура орқали ҳамда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти.
- 10.Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан ҳамкорлиги.
- 11.Маънавий-маърифий фаолияти.
- 12.Битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши.
- 13.Халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги.

Таълим муассасалари аттестацияси холислик, тўла ошкоралик, даврийлик ва педагогик этика меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтказилади.

Олий таълим муассасасида мавжуд йўналишлар ва мутахассисликларнинг умумий сонига нисбатан 75 ва ундан кўп фоизи

«Аттестациядан ўтди» деб хулоса қилинса, таълим муассасаси «Аттестациядан ўтди», 67 фоиздан 75 фоизгача — «Аттестациядан шартли ўтди», 67 ва ундан кам фоизида «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

«Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликларига кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун бир йил вақт берилади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликлари қайта аттестациядан ўтказилади ҳамда таълим муассасаси фаолиятида қайд этилган бошқа камчиликларнинг бартараф этилганлиги ўрганилади.

«Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг проректорлари, аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликларга масъул деканлари навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади. Тегишли мутахассис чиқарувчи кафедралар мудирларининг ўз вазифаларини қониқарсиз бажараётганликларини қайд этиб, олий таълим муассасаси ректорига келгусида уларнинг кафедраларни бошқариши ёки бошқармаслиги масаласини олий таълим муассасаси Илмий кенгашига киритиш бўйича тавсия берилади.

Аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликлар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади. Қайта аттестация натижаларига кўра «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ёпилади.

Барча ҳолларда олий таълим муассасаларининг аттестациядан ўтмаган йўналиш ва мутахассисликлари битирувчилари якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази вакиллари иштирокидаги давлат аттестация комиссияси ўтказди.

«Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган олий таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

- ✓ таълим муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш;
- ✓ таълим муассасасининг мақомини ўзгартириш;
- ✓ лицензиянинг амал қилишини тугатиш (нодавлат олий таълим муассасалари учун);
- ✓ лицензия муддатини узайтиришга рад жавоби бериш (нодавлат олий таълим муассасалари учун).

10. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш масалалари

Рейтинг олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини таққослаш усули ҳисобланиб, таълим хизмати истеъмолчиларига — таълим олувчиларга, кадрларга буюртма берувчиларга ва таълим тизимини бошқарув органларига таълим муассасалари нуфузига оид маълумот тақдим этиш мақсадида амалга оширилади. Рейтинг ОТМнинг ёки унинг

мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг таълим тизимидаги мавқеини белгилайди [17].

Рейтинг - бу баҳоланаётган бир таълим муассасасининг бошқасидан устунлигини тавсифлайдиган сон бўлиб, у кўпинча алоҳида кўрсаткичлар йиғиндисига асосланадиган шартли интеграл кўрсаткич сифатида ҳисобланади. Рейтингни аниқлаш таълим хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган бўлиб, у:

- ❖ таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш;

- ❖ таълим тизими бошқарув органлари, кадрларга буюртма берувчилар, ота-оналар ва таълим олувчиларга таълим муассасалари нуфузига оид маълумот тақдим этиш мақсадида амалга оширилади.

- ❖ жаҳон тажрибаси рейтинг асосан қуйидаги уч туркум кўрсаткичларни баҳолашга қаратилганлигини кўрсатади:

- ❖ иш фаолияти натижаларида эришилган кўрсаткичларни баҳолаш;

- ❖ таълим муассасасининг амалдаги ҳолатини тавсифлайдиган кўрсаткичларни баҳолаш;

- ❖ муассасасининг ички имкониятларини ишга солиш ҳисобига эришиладиган кўрсаткичларни баҳолаш.

Бунда талабалар сифатли таълим олишлари учун яратилган шарт-шароитларга, талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашганликларига оид кўрсаткичларни баҳолаш алоҳида ўрин тутди [7].

Таълим муассасалари рейтингларини ташкил этиш ва аниқлаш усуллари турли-туман бўлиб, давлатларнинг таълим тизимлари ва олий таълимни баҳолаш усуллари билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда бир қатор хорижий давлатлар, жумладан Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Польша, Нидерландия, Испания, Япония, Хитой, Россия, Украина каби давлатлар таълим муассасалари рейтингини аниқлаш ва қўллаш бўйича бой тажрибага эга. Улардаги мавжуд рейтинг тизимлари турли ёндошувлар асосида таълим тизимлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб **чиқилган** [10,11].

АҚШда рейтинглар ўтказишда уч гуруҳ сифат кўрсаткичлари ишлатилади: талабалар муваффақияти, ўқитувчилар таркиби эришган ютуқлари ва ОТМнинг академик имкониятлари. Ушбу кўрсаткичларни рейтинг кўринишига ўтказишда вазнлаш ва жамлаш усули қўлланилади.

Буюк Британияда рейтингни оммавий ахборот воситалари статистик манбалардан олинган маълумотларга асосланиб аниқлайди. Кўрсаткичлар орасида илмий ишларга ҳам эътибор қаратилган. Таълим муассасаси ҳақидаги кадрлар истеъмолчилари фикрлари асосий кўрсаткичлардан бири сифатида қабул қилинади.

Германия рейтинг тизими биринчи навбатда мактаб битирувчилари учун мўлжалланган бўлиб, бунда мутахассисликлар рейтинги

аниқланади. Натижада, университетлар яхши, ўрта ва ёмон гуруҳларга бўлинади. Рейтинг бўйича қарор қабул қилишда асосан университетлар ва улар жойлашган шаҳарлар ҳақида маълумотлар, талабалар контингенти, курслар ва ўқитиш бўйича асосий маълумотлар, ишга жойлашиш, меҳнат бозори ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар фикрлари ҳисобга олинади.

Польшада ОТМлар рейтинги уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида олиб борилади (умумуниверситетлар рейтинги, хусусий университетлар рейтинги, ижодий университетлар рейтинги). Рейтингда ўтган йил рейтинги натижалари ҳам маълум бир вазн билан ҳисобга олинади. Хусусий университетлар рейтинги бевосита университетда олинган ҳамда иш берувчилар ва ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровномалар асосида аниқланади.

Японияда университетлар рейтинги асосан 3 та йўналиш бўйича олиб борилади: таълим фаолияти, илмий тадқиқот фаолияти ва ривожланишга қўшилган ҳисса. Сўнгги вақтларда талабалардан ўтказилган сўровномалар ҳам кенг қўлланилмоқда.

Россияда ОТМларнинг рейтингини аниқлаш 2001 йилдан буён амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда рейтингнинг 2 модели, яъни таълим вазирлиги рейтинги ва оммавий ахборот воситалари рейтинги мавжуд. Биринчи моделда рейтинг экспертлар фикри ва статистик маълумотларга асосланган, аммо иш берувчилар фикри камроқ ҳисобга олинади. Иккинчи модел нисбатан мустақил, аммо етарли даражада илмий асосга эга эмас. Ушбу икки моделнинг ижобий томонларини ҳисобга олиш мақсадида нодавлат рейтинг Агентлиги ташкил этилган. Рейтингни тузиш учун ижтимоий сўровномалар ва эксперт баҳолаш, битирувчилар сифатини иш берувчилар томонидан баҳолаш, ОТМни ва унинг таълим дастурларини битирувчилар томонидан баҳолаш натижалари ишлатилади. Шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ҳам таълим дастурлари рейтинг аниқланади. Тўпланган маълумотлар айрим мезонларга ажратилиб, уларни вазнлаш, жамлаш ва умумий мезонни аниқлаш учун илмий асосга эга услубият қўлланилган [17].

Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида таълим сифатини баҳолаш ва таққослаш асосида рақобатбардошликни ривожлантириш, таълим сифатини янада юксалтириш, йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, аниқ ва пухта истиқбол режаларни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сон Қарори асосида 2013-йилнинг 1-январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилмоқда. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юкланади. Ушбу марказ рейтинг баҳоларини тузишнинг ҳозирча вақтинчалик тасдиқланган методикаси асосида Ҳукуматга мамлакатимизда олий

таълимнинг қандай ривожланаётгани тўғрисида ҳар йили таҳлилий маълумотлар тақдим этади.

Ушбу Қарорга мувофиқ олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш бўйича Давлат тест марказига қуйидаги вазифалар юкланган:

➤ олий ўқув юр்தларининг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини характерловчи маълумотларни тизимли равишда тўплаш ва маълумотлар базасини шакллантириш, олинган кўрсаткичларни ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ баҳолаш асосида республика олий таълим муассасалари рейтингини ҳар йили тузиш;

➤ экспертлар ва иш берувчилардан сўровлар натижалари асосида, етакчи халқаро рейтинг ташкилотларининг илғор тажрибасини, республиканинг олий таълим тизимини ривожлантириш устуворликларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари рейтингини тузиш методикасини янада такомиллаштириш;

➤ рейтинг баҳолари асосида республикада олий таълимни ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисида ҳар йилги таҳлилий ахборотни тайёрлаш ва уни олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

➤ олий таълим муассасалари рейтинги натижаларини ҳар йили 1 мартгача чоп этиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти фақат ҳар бир олий ўқув юртининг мамлакатимиз олий ўқув юр்தлари орасида қандай ўринни эгаллаб тургани ҳақида холис маълумотга эга бўлишдан иборат эмас.

Энг асосийси, шу аснода олий ўқув юр்தлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади [3].

Олий таълим муассасалари рейтинги тузилмасида асосан қуйидаги 4 та кўрсаткичлар ҳисобга олинган:

1. Ўқитиш сифати даражасининг индекси
2. Талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси
3. Олий ўқув юртининг илмий салоҳияти
4. Бошқа кўрсаткичлар

Ўқитиш сифати даражасининг индексида хорижий олий таълим муассасалари даражасига хорижий олий таълим муассасалари даражасига (PhD) эга бўлган, жаҳондаги 300 та энг яхши олий ўқув юр்தлари жумласига кирадиган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) улуши, ўқитиш сифати даражаси, йил мобайнида олий ўқув юр்தлари

ўқитувчилари томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сони, хорижий ўқитувчилар ва хорижий талабалар улуши, хорижий олий ўқув юртлари билан алмашиш дастурлари сони, хорижий тилда ўқитиладиган таълим (мутахассисликлар) йўналишлари сони, ПЎТнинг хорижий тилларни ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш даражаси ва ўқув жараёнида лаборатория ва ёрдамчи ускуналардан фойдаланиш даражаси каби мезонлар киритилган.

Талабалар ва битирувчилар малакасининг индексида битирувчилар малакасини иш берувчилардан томонидан баҳоланиши, халқаро ва республика олимпиадаларида ва нуфузли танловларда мукофотлар (дипломлар) ва совринли ўринлар билан тақдирланган талабалар сони, ўқишни тугатгандан кейин 6 ой мобайнида мутахассислик бўйича ишга жойлашган битирувчилар улуши каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган.

Олий ўқув юртининг илмий салоҳиятини баҳолашда хорижий ва ОАК эътирофидаги журналларда чоп этилган мақолалар сони, нашр этилган монографиялар сони, ҳимоя қилинган докторлик диссертациялари сони, чет эллар грантлари ва давлат грантлари, иқтисодиёт тармоқлари буюртмалари бўйича илмий –тадқиқот ишлари (хўжалик шартномалари) асосида олинган маблағлар эътиборга олинган.

Бошқа кўрсаткичларга ахборот-ресурс марказининг ўқув адабиётлари, шу жумладан электрон китоблар билан таъминланганлиги, электрон ресурслардан масофадан фойдаланишнинг мавжудлиги, ўқув жараёнида ва илмий-тадқиқот ишида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш даражаси, олий ўқув юрти веб-сайтининг сифати, касб-ҳунар коллежларида ўқув машғулотларини ўтказаятган ПЎТ сони киритилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Таълим ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Айнан таълим жамиятнинг интеллектуал, маданий ва маънавий даражасини шакллантиради.

2. Ҳозирги кунда ҳар қандай давлатнинг кучи-қудрати, ривожланиш даражаси, ундаги ижтимоий-сиёсий муҳит ушбу давлатнинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши эса асосан таълим сифати билан баҳоланади.

3. Глобаллашув даврида юзага келаётган экологик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммолар ҳамда инқирозлар ва уларнинг ечимлари таълим сифатига боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади.

4. Ҳар қандай давлат таълим соҳаси сифатига қанчалик кўп эътибор қаратса, қанчалик кўп маблағ сарфласа ва натижаси энг юқори халқаро стандартларга жавоб берса, ушбу давлатда ҳаёт сифати шунчалик юқори бўлади.

5. Таълим сифатини оширишнинг асосий омилларидан бири таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологияларни кенг жорий этишдан иборатдир.

6. Таълим сифатини ошириш ва дунёда ягона таълим тизими ҳамда майдонини шаклланиши ўзаро узвий боғлиқ жараёнлардир.

7. Таълим сифати муаммоси тугалланган ечимга эга эмас соҳа ҳисобланади. Давлат ва жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида таълим тизимида ўзига хос янги шарт-шароитлар ва талаблар юзага келади, таълим сифати мезонлари ўзгаради ва бу масалани ҳал этиш учун тизимли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

8. Таълим сифатини ошириш чегара билмас соҳадир. Шу сабабли ҳозирги кунда таълим сифатининг ўсиш динамикасини тўғри баҳолаш, унинг мезонларини аниқ белгилаш ва келажак таълим сифати кўрсаткичларини олдиндан башорат қилиш, режалаштириш ўта муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

9. Таълим сифати давлат ва жамиятнинг ижтимоий –иқтисодий ўсиш, ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, уни аниқлаш ҳамда келажак кўрсаткичларини олдиндан баҳолашнинг ягона, мукамал услубиёти ишлаб чиқилмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида қонуни».

2. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури. / Тошкент; “Шарқ”, 1997.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013й.

4. Каримов И.А. “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция очилиш маросимида сўзлаган нутқи. –Т.: “Ўзбекистон”, 2014й.

5. И.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Тошкент, 1997й.

6. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. /Тошкент, «Маънавият», 2008й.

7. Даминов А., Закирова М., Назаров Б. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш масалалари. ДТМ.

8. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике.-Рига, 1995

9. Курдюмова И.М. Оценка качества профессионального образования в Великобритании. – М.: Издательский центр НОУ ИСОМ, 2003. 36 с.

10. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. / М.: Высшая школа, 1990. — С. 58.

11. Кондаков А. М., Кузнецов А. А. О Федеральном государственном образовательном стандарте общего образования: доклад российской академии образования // Педагогика. 2008. № 8.
12. Крисиллов В.А. Опыт проведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисиллов В.А., М.Л. Слущкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007, - С.29-41.
13. Қосимов Р., Сапаев М., Юсупов А. Рисола. Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллаштириш. Урганч, 2009 й., 41 бетда.
14. Новиков А.М. Методология образования./ М.: Эгвес, 2002. - 320 с.
15. Олий таълим. Меъёрий–хукукий ва услубий ҳужжатлар тўплами.//Тошкент: “Истиқлол” нашриёти, 2004й.
16. Олий таълим. Меъёрий–хукукий ҳужжатлар тўплами.//Тошкент: “Тафаккур бўстони”, 2013й.
17. Олий таълим муассасаларини ранжирлаш ва таълим сифати масалалари. Темпус SCM TO76B06-2006 (UZ) “Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълимининг баҳолаш тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича бажарилган ишлар тўплами. Урганч, 2009й., 98 бетда.
18. Русско-узбекский словарь. //Ташкент, 1983
19. 12. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўқув йили бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005 й.
20. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар. //Педагоглар учун қўлланма. / Қарши, 2011й., 64 бет.
21. Рахимов О.Д., Сапаев М.С., Назаров Б.Ф. Замонавий маърузалар. -Педагоглар учун қўлланма. /Қарши, 2012й., 68 б.
22. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О. Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш./ Қарши, 2012й. 60 б.
23. Рахимов О.Д., Мустафаев Қ.О., Зоиров Н.И. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти. /Қарши, 2012й.46 б.
24. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар: лойиҳалар услуби таълим сифатини оширувчи технология сифатида. / Қарши, ТАТУ Қарши филиали, 2013й.
25. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар: талаба портфолиоси- билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қўшимча технологияси сифатида. / Қарши, ТАТУ Қарши филиали, 2013й., 92б.
26. Рахимов О.Д., Турғунов О.М. ва б. Замонавий таълим технологиялари. /Тошкент, «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2013й, 205б.

27. Рахимов О.Д. Ахборотлашган жамият таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар. / Қарши, ТАТУ Қарши филиали, 2014й.

Электрон ресурслар

28. [www. dtm.uz](http://www.dtm.uz)
29. [www. edu.uz](http://www.edu.uz)
30. Электрон дарслик VBA Шаг за Шагом. <http://www.firststeps.ru> саҳифаси. 2004й.
81. Internet, internet va axborot himoyasi/ <http://www.freenet.uz>. Mualliflar: Hasanov P./. Isayev R. va boshqalar. Toshkent-2000.
82. www.bilim.uz, [www borland.ru](http://www.borland.ru), www.microsoft.com

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1. Таълим сифатининг асосий мазмуни	9
2. Таълим сифатини белгиловчи асосий омиллар ва мезонлар	11
3. Таълим сифати ва стандартлар.....	16
3.1. Сифат бўйича халқаро стандартлар.....	16
3.2. Таълим сифати бўйича Европа стандарти. Болон Декларацияси.....	16
4. Трансмиллий таълим.....	20
5. Чет эл олий ўқув юртларида таълим сифатини баҳолаш тизимлари.....	21
6. Ўзбекистон олий таълим тизимида таълим сифати.....	28
7. Ўзбекистонда таълим стандартлари.....	30
8. Ўзбекистонда таълим муассасалари аккредитацияси.....	32
9. Олий таълим муассасаларининг аттестацияси.....	33
10. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш масалалари... Хулосалар.....	35 39

Фойдаланилган адабиётлар	40
---------------------------------------	-----------

РАХИМОВ ОКТЯБРЬ ДЎСТҚОБИЛОВИЧ

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ҲАЁТ СИФАТИ

(ўқув-услубий қўлланма)

Босишга рухсат этилди 3.01.2015й. Бичими 60x84 1/16.
“Times New Roman” ҳарфида терилди. Нашр табоғи -4,0. Адади 100.
Буюртма №_____

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали